

Минхожиддин Мирзо

КЎНГЛИМ КУРТАКЛАРИ

Тўртликлар



«Mumtoz soʻz»
Тошкент — 2015

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 83.3.(5Ў)6

М-54 833(5Ў)М

Мирзо, Минхожиддин.

Кўнглим куртаклари: Тўртликлар / М.Мирзо; — Тошкент:

«Mumtoz so'z», 2015. / 88 б.

Таниқли шоир Минхожиддин Мирзонинг тўртликлардан тартиб берилган ушбу китоби сизни ижодкор кўнгли оламининг энг гўзал ва бепоян кенгликлари, кечинмалари, меҳр-муҳаббат уфуриб турган боғлари, соғиниб етолмайдиган, мудом ўзига талпинтириб турувчи соҳир манзиллари сари бошлайди. Инсон қалбининг зийнати, чироғи бўлган энг покиза ҳислар, туйғуларга ошино этади.

Эзулик ифори таралиб турган ушбу китобчани шоирнинг сиз азиз шеъринг муҳлисларига тақдим қилаётган навбатдаги мўъжаз шеъринг гулдастаси сифатида қабул қиласиз, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир: Жалолбек Йўлдошбеков

*Таҳриричи: Маҳкам Маҳмудов,
филология фанлари номзоди*

ISBN 978-9943-398-94-8

© Минхожиддин МИРЗО, 2015

© «Mumtoz so'z», 2015

ЭЙ ДИЛ, ВУЖУДИМНИНГ СОҲИРИ СЕН...


Инсон энг буюк ошиқ экан! Унинг ҳаёт йўли ишқ олами ичра ўтаркан. Ватанга, киндик қонинг тўкилган муқаддас заминга ошиқлик, ота-онага муҳаббат, ёр ишқида жунунлик, дўсту биродарларга садоқат, фарзандларга бўлган меҳр ва севги! Бу ёруғ дунёга, ҳаётга, Ҳаққа муҳаббат! Уларнинг бари кўнгил чорраҳаларида туташаркан.

Инсон улғайиш пиллапояларини босиб ўтган сайин унинг ошиқлик, дунёни идрок этиш бора-сидаги ўй-фикрлари, қарашлари ҳам ўзгариб, дардлари янгиланиб, каттариб бораркан. Лекин ўзга ошиқлар қалбидан кўра ўз беором қалбингни англаш қийинроқ, мушкулроқ кечаркан. Гоҳи ўзгаларга сўзинг, таскининг ўтаркан-у, ўз қалбинг итоатинга юрмас, юпанчга кўнмас экан. Англаганим, минг изтиробга солмасин, нафсга басма бас келишга қодир, Ҳақ зиёси тушган кўнгил алдамас экан. Чин ошиқлик бу ривоят эмас, ҳикоятларга кўчган ҳидоят экан!

Дема, ишқ равзасин бу бир ривоят,
Ишқки, бу назари Ҳақдин иноят,
«Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун»,
Аввал — ҳикояту охир — ҳидоят.

Бу мўъжаз китобчага жо бўлган тўртликлар нафақат ўзга кўнгилларни, балки ўз кўнглимни англаш йўлидаги уринишларимдир. Йиллар давомида турли ён дафтарларим варақларида, китоблар ҳошияларига битилган умрим парчалари... Улар атайин ёзилмаган, балки ҳаётимнинг турли лаҳзаларида юрагимни куйдириб ўтган, англаб англолмаганим, туйғулар, армонлар, ҳижронлар, соғинч ва изтироблар, ҳайратлар гулханидан сачраган илтижо учқунларидир.

Ошиқ кўнгилни кўзгуга қиёслайдилар. Кўзгу сингани, бир қанча бўлақларга бўлиниб кетгани ҳолда унда қуёш нури аксланаверади. Таъбир жоиз бўлса, бу тўртликлар кўнгил мусаввири сари талпинган дилнинг ботиний кечинмалари, турли бўлақларда акс этган зохирий кўринишлари, суратларидир.




Ошиқ дил бунчалар обод ғўшадир,
Ким бундоқ кўнгилга нур шод қўшадир.
Кўнгил мусаввирин ердан излама,
Асли фалакдаги Бехзод ўшадир!

Демак, ҳатто парчаланган дилда ҳам қуёш яшайди. У ҳам офтоб нуридан, Ҳақ меҳридан бебаҳра эмас.

Ишонаманки, бу парчалар сизга озурда бир кўнгилни бир бутун англаш имкониятини беради. Мен учун бу мўъжаз китобча камолот касб этган улуғ кўнгиллар олдидаги файёз кўнглимининг тараддуди, имтиҳонидир. Ҳар бир шеър ўз ҳолича кўнгилга йўл, кўнгилга ташриф аслида. Кўнглим кўнглингиз остонасида, азиз шеърхон!

Эҳтиром ила,
Муаллиф






ЯЛТИЗИНИҢ ХИДЛАСАМ
ДУМ КУВВАТИ ОЛАР



Истиклал нелгини анламоқ бұрсан,
Сенга ити юракдан айтаар сўзим шул:
Озод юртта Чўлпон бўлиб назар сол,
Боту бўлиб севин, Элбек бўлиб кул!



Ватан, номинг шивирлаб, танга гўё жон кирар,
Юзингга юзим боссам, босилар қалб титроғим.
Отамга то қиёмат кўрпа бўлган ўзингсан,
Онамга болиш бўлган, сен, муътабар тупроғим.



Гар дилларга гул эксанг, сен битган чаман қолар,
Вақт қазо етса агар, на учқур саман қолар,
Сен Ватаннинг тилида янгроқ сўздай жарангла,
Инсон умри муваққат, бир мангу Ватан қолар.



Шукр, келди Ватанга, қад ростламоқ соати
Хуррият — бу элимнинг чин бахти, саодати.
Магар тарих нурланса аждодлар шавкатидан,
Истиқболни ёритар авлодлар жасорати.



Истиқлол нелигин англамоқ бўлсанг,
Сенга чин юракдан айтар сўзим шул:
Озод юртга Чўлпон бўлиб назар сол,
Боту бўлиб севин, Элбек бўлиб кул!

Гар азим чинорсан, кеккайма ҳеч вақт,
Сенга қувват берган тупроқ — шу Ватан.
Отанг каби посбон, онангдай ғамхўр,
Сени ўйлагувчи кўпроқ — шу Ватан.



Она Ватан, дея чиқди саводим,
Онамдан айрилгач, учди фарёдим,
Отам ҳам тарк этди дунёйи дунни,
Энди ўзинг менинг ёлғиз устодим.



Офтобнинг меҳридан тафт олган эл бу,
Шамоллар сеҳридан шаҳд олган эл бу,
Нурдек пок, сув каби тиниқ қалб билан,
Тангридан абадий бахт олган эл бу.



Нечун бу ўлкада ўчмаган чироқ,
Мардларин қалбидан ғофиллик йироқ.
Ватанни асраш чун сарбозлик шартмас,
Оддий бир қўйчивон эди-ку Широқ!

Бу диёрни кўклам кезган чоғ,
Гўё дейсан Эрам борлари.
Жаннат исмин шивирлаб ётар,
Қирлардаги қизғалдоқлари.



Бу юртда булбул кўп, борлари гувоҳ,
Мардлар кўп дилдаги чоғлари гувоҳ,
Қадам қўйган душман ер тишлар шаксиз,
Бунга Алпомишдай тоғлари гувоҳ,



Ялпизинг ҳидласам, дил қувват олар,
Гулзорингга боқиб дилим ранг олар.
Югурик сув каби барринга сингсам,
Қизғалдоқ баргида сўзларим қолар.



Сарбон ўзингники бўлсин ҳар доим,
Карвон ўзингники бўлсин ҳар доим,
Ўзгалар амрининг қули бўлма ҳеч,
Фармон ўзингники бўлсин ҳар доим.

Ёдда тут, журъатли, озод бўл доим,
Қудратинг бор бўлса, бор бўлар тахтинг.
Энг жасур ва оқил ўғлинг сарбондир
Ҳамиша омад ёр, бут бўлар бахтинг!



Кўрдингми, назмга парвоналарни,
Ўпгил Хўқанддаги дарвозаларни,
Марғилон, Шоҳимардон, бари муқаддас
Тавоф қил, тавоф қил, Фарғоналарни!



Ўкинма, номардлар олддан келмайди,
Ортингдан санчади тигин куракка.
Харчанд ўткир бўлсин, ханжари ўтмас
Ватанин астойдил севган юракка.



Бахт нимадир, она тилингда
Она деган сўзни айтмоқлик.
Асра уни, элим, дилингда
Тилдан қайтмоқ, эрқдан қайтмоқлик.

Шундай яша, сендан Ватан,
Дўстлар орланмасин, ўғлим!
Юз ғуборин ювсанг кетар,
Кўнглинг кирланмасин, ўғлим!



Ёруғлик ва зулмат, оқ билан қора,
Пок билан нопокдан иборат олам.
Одам бўлай десанг, Ватанинг асра,
Ватан адашгирмас ҳеч қачон, болам.




Ўғлим, сенга Ҳақ ёр бўлсин ҳар нафас,
Мудом қулоғингда янгрисин шу сас:
Магар буюк ишлар қилолмасанг ҳам,
Кўриб туриб қорани оқ демасанг бас.



Боболарим, момоларим ётган тупроқ
Ота-онам бағрингизда мендан йироқ.
Қанча мушкул бўлса ҳамки ўчирмасман
Юрагимда ёнар улар ёққан чироқ.

Харитага боқиб кўнглим қувонади,
Қуёш каби нур сочади ажиб бўстон.
Сайёрамиз юрагида унган гулдек,
Оламга кўз очиб турар Ўзбекистон!



Тоғларга боқсам деди: Қаддингни баланд туттил,
Борларга боқсам деди: Шакардек мева биттил,
Минорларга юзлансам, улардан садо чиқди:
«Ватанни севгил!» деган қутлуғ бир дуо чиқди.



Қодирий, эй Фитрат, Беҳбудий бобо,
Безовта руҳингиз топдими ором.
Бугун дунёлардан дунё сўрмоқда
Бу ёруғ жаҳонда ўзбек деган ном!




Кўкарсам бағрингда гулбоғинг бўлиб
Ҳеч бўлмаса битта бутоғинг бўлиб,
Энг катта бахтим шул, бир кун тўқилсам
Пойингга, бир сиқим тупроғинг бўлиб...

Қўлимда бир кафт тупроқ,
Энг бебаҳо нодирим.
Уни мудом асраш-чун,
Қодир қилғил, Қодирим!



Олис қитъалардан денгизлар ошиб,
Ўз уйин адашмай топар қалдирғоч.
Ватаннинг соғинчин англамоқ бўлсанг,
Кўнглингни қалдирғоч диллиларга оч.








ҲАЙРАТИ ЧАМЪАНИ



Сўз ажиб. гавҳарки, тега олсанг бас,
Сўз ахир тоабод янговим зўр сас.
Мини ёил аввал ўтган булбул каломи
Мини ёил кейини улғи қила олур маст.



Кўклам соҳир нафас мўъжизасидир,
Ям-яшил майсалар кўнглинга ўшар.
Гуллаган дарахтлар онангдай мунис,
Алвон қизғалдоқлар синглинга ўшар...



Мартаба ва бойлик, билсанг, эй дўстим,
Доим бирга юрмас, икки хил олам.
Меҳнат-ла тўлдиргум мен ҳам кам-кўстим,
Далам қоғоз бўлса, кетмоним — қалам!



Ажаб, бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Кўксинга ботган ғам тишлари қизиқ,
Кўкламга етдим, деб турган чоғингда
Баҳордан сўнг келган қишлари қизиқ.



Ҳаёт неъматлари гоҳ ширин, тахир,
Чаёндан бол кутиб бўлмас-ку, ахир,
Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да,
Гоҳо саховатдан дарс берар бахил!

Қаламдан сўрдилар, муродинг нима?
У деди, бир ҳисга борлигим сочсам.
Армону ўкинчлар яралар қалбим,
Қанийди, фақат бахт ҳақида ёзсам.



Бу дунё аслида бир чоҳга ўхшар,
Шоирлар сўзлари дард, оҳга ўхшар,
Во ажаб, эзгулик йўлини тутсанг,
Жоҳиллар наздида гуноҳга ўхшар.



Қанча шамлар тонга етмай эриб битдилар,
Умр-лахза, гоҳ мижжага қалққан намдаймиз.
Ортга боққил қанча зотлар келиб кетдилар,
Ёнолсак гар биз ҳам эй дўст, битта шамдаймиз.



Яшаб ўтган йиллар, фурсатлар азиз,
Қайтарилмас энди фарахбахш онлар.
Сўнмас хотиралар ҳар бири лазиз,
Ўтган умр — биздан кетган меҳмонлар.


Кўкдан паға-паға ўйнаб тушар қор,
Ўз ҳолича нени сўйлаб тушар қор,
Наздимда, шундайин совуқ қалб билан,
Ўтли бир қўшиқни куйлаб тушар қор.




Офтоб нурларидан тафт олди дилим,
Кўклам шамолидан шахд олди дилим,
Навоий, Фузулий байтларин ўқиб,
Ундан назм отлиф бахт олди дилим.



Дилимни топтаган азоблар қайдан,
Юракка ниш санчган каззоблар қайдан?!
Ё раббим, мана шу қародиллар ҳам,
Наҳотки яралган покиза лойдан?



Ялтоқлик бобида устараси фаранг
Доим тиз чўқар у аста пойгакка.
Бир кунда минг бора эгилиб турар
Дарс бера олади, ҳатто чойнакка.



Баҳорнинг келишидан кетиши ёмон,
Умр чошиб борар кузакка томон.
Олиб кетган севгим қайтиб берар деб,
Қайтмас баҳорларни кутар дил ҳамон.



Адирлару тоғлар абадий, мангу,
Офтоб заррасидан тирикдир олам.
Дунёда эзгулик борки, шоир бор,
Тоабад биргадир қороз ва қалам.



Устоз Икром Отамуродга

Боғларда куртаклар кулгуси янграр,
Баҳор мўъжизаси, бу ажиб сеҳр.
Аммо у қандайин тилсим бўлмасин,
Бу қудрат асоси, шубҳасиз, меҳр!



Саҳрода қуюн билан жайронлар сирдош бўлғай,
Ишқ элида дил-дили вайронлар сирдош бўлғай,
Шоирлар суҳбатидан ажабланмагил, эй дўст,
Бу дунёнинг ишидан ҳайронлар сирдош бўлғай.

Деразадан боқаман қалтирар сўнги япроқ,
Бағрин очиб кутади пастда ҳамдам шу тупроқ.
Умрим дарахтидаги баргларим кўп бўлса ҳам,
Хазонрезни ўйласам, танимда турар титроқ.




Сўз ажаб гавҳарки, тера олсанг бас,
Сўз ахир тоабад янғровчи зўр сас.
Минг йил аввал ўтган булбул каломи
Минг йил кейин гулни қила олур маст.



Хазонлар қўшиғин куйлаётир Куз,
Оламга видосин сўйлаётир Куз.
Тунлар хўрсиниғин эшитган билар,
Ўтган баҳорларни ўйлаётир Куз.



Кезиб чиқдим бутун гулзорни
Гул танлолмай жон бўлди ҳалак.
Ё гулларни тушунмадим мен,
Ва ё ўзим — жумбоқ капалак.



Бир қўшиқни эшитиб юрагим яро бўлди,
Ҳофизми бу бақироқ, билмам, не бало бўлди,
Шунчалар хор этдики, «Ушшоқ» — «Қаро кўзим»ни
Оқибатда, ўзининг юзи ҳам қаро бўлди.



Эй гулларга қўниб юрган капалак
Билмайсанки, будир энг хуш дамларинг.
Дил-ўйингда мингта чироқ бўлмасин,
Бир-бир ўчиб борар экан шамларинг.



Ҳаёнинг бошидан учдими рўмол,
Ибонинг юзидан кетдими оли.
Дунёга боққанча турибман мен лол
Бунча аччиқ бўлиб кетди шафтоли...



Нетай, яна нафсим суййми, эй дўст,
Шунча куйдим яна куяйми, эй дўст,
Азоб келисига жонимни солиб,
Фурбат тўқмоғи-ла туяйми эй дўст.

Дарахт сўнги дамда этаркан орзу:
Меҳроли уйларга эшик бўлсайдим.
Тобутсозлар эмас, усталар йўнса,
Умидвор уйларга бешик бўлсайдим...








ХИКМАТИ ИМИ ХАҚ ДИЛНИНИ
ИЗБОРИДА ОЧИЛАР



Ажаб, ҳатто мусиқалар уфтиш бор,
Итларини ҳам бирин тишлаб, хуфтиш бор,
Сен уларга назар қилма, изборга боқ,
Дилим, унда гуналарини кутиш бор.



Қишнинг қаҳратони дилга кор қилмас,
Дилга ифор сочган гулга кор қилмас,
Хижронлар булутдек юзин ёпса-да,
Юракдан таралган нурга кор қилмас.



Самарқандда

Бунда намоёндуру илоҳий назар,
Бунда аждодларнинг руҳи шод кезар.
Дуога қўл очсанг, Бухорий бобонг
Шивирлаб турганин юрагинг сезар.



Асли инсон безар бўм-бўш ҳаётни,
Ой, қуёш, юлдузлар — кенг коинотни.
Маконки, замонсиз бўлмас файзиёб,
Навоий безамиш кўҳна Хиротни.



Кимдир сўзлар эрса дил роҳатидан,
Бир нидо келади кўклам қатидан.
Муҳаббат нелигин билмоқ истаган,
Дарс олсин Зулфия садоқатидан.

Бухорий, Термизий, Нақшбандий бобом —
Аждодлар мақоми кўкларга етди.
Тангрига етмоқ-чун, шайтон қуроли —
Бир умр нафс билан олишиб ўтди.



Дунёда топганим ҳикмат ва билим,
Қалбларга гул экди сўз ила тилим,
Мени ўтдан кўрқар, деб ўйламанг ҳеч
Ҳасадлар ўт бўлса, сув бўлди дилим.



Юрак сенга қайтди, руҳ сенга қайтди,
Вужуд ҳам бўйсунди унга охири.
Инсон юрагида порлаган нурга,
Кўзгу бўлар экан унинг зоҳири.




Қанча гуноҳларим дилни куйдирар,
Тилга олсам, ҳатто тилни куйдирар,
Тавбамни қабул эт, йўқса айбларим
Дилимда кўз очган гулни куйдирар...


Дейдилар, аёлни яратмиш гулдан,
Чучмомалар унар мангу қабридан.
Қанча ишқ достонин яратмоқ мумкин,
Саида Зуннуннинг тоғдек сабридан.



Бу дунёнинг улуғлари қабристонда жам бўлмиш,
Ёдга олсам кўнгил куйиб, мижджаларим нам бўлмиш,
Ер устини нурга кўмиб ёритган фозил зотлар,
Ажаб, бу кун ул қоронғу ер остига шам бўлмиш.



Саводсиз деб кулдинг, эй ағёр,
Билмайсан-да асл офтобни.
Бобонг ўқиб одам бўлган-ку,
Боболарим ёзган китобни.



Ўкинманг, эй дўстим, маккор санамдан,
Майнинг даъватига кўнманг аламдан,
Қанча улуғларнинг ҳаёти гувоҳ
Шоирга садоқат кўпроқ қаламдан.


Иззатгалаб бўлмадим сира,
Югурмадим амал қасдида.
Мудом элга нафим тегсин деб,
Тупроқ бўлдим оёқ остида.



Мозорлар шивирин эшитганмисиз,
Недан сўйлар бунда чўккан қабрлар?
Маъюс силкинаётган қизғалдоқ гуллар
Қиёматни кутиб ётган сабрлар.



Ўзинг асра худойим, беномус номардлардан,
Бу дил гоҳ вайрон бўлди озорлару гардлардан,
Қўй дунёни бир четга, қалбимга мужда келтир,
Ул жаннатий шартлардан, ишқ аталмиш дардлардан.



Бу дунё лавҳига бир сўз битгаймиз,
Неча кўнгилларни обод этгаймиз,
Тупроқ эдик, яна тупроқ бўлгунча,
Қанча тошлоқларни ошиб ўтгаймиз.

Эй дил, гоҳо яшнаб, гоҳо сўлгаймиз,
Бирда тўкилгаймиз, бирда сингаймиз,
Лойимизни шундай пиширар худо,
Лойқа сувдай бир кун келиб тингаймиз.




Ажаб, хатто мусичалар уриши бор,
Итларнинг ҳам бирин тишлаб, хуриши бор,
Сен уларга назар қилма гулзорга боқ,
Дилим, унда фунчаларнинг кулиши бор.



Навоий ҳар сатрига кўнгил берган нур топар,
Қалбга беоромлигдан, ором топар, гул топар,
Ишқ уммони ичра гар соҳилини йўқотса,
Ҳеч бўлмаса, мен каби битта бедор дил топар.



Ҳикмат гули ҳақ дилнинг гулзорида очилар,
Мажнун гули Лайлининг озорида очилар,
Дардсиз дилга сен қанча ниҳол экма унмайди,
Қизғалдоқ ҳам ошиқлар мазорида очилар.






ЭИ КҶАҶИМ, СҶИ ҲАДҲАД
ИҶЛИҶИ ҚОҶА



Дема, ишқ, равзаси бу биф ривояти,
Ишқки, бу назари ҳақдон инояти,
«Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Маҷнун»,
Аввал – ҳикояту осиф – ҳидояти.



Булбуллик даъвосин қилмасман мен, йўқ,
Эй кўнгил, сен Худхуд йўлини пойла.
Гар қушлар муродин англамоқ бўлсанг,
«Лисон ут-тайр»ни жонингга жойла.



Ташна дилга йўқ ҳаёт лабларинг зилолисиз,
Кўз уйи ҳам Каъбасиз кўзларинг хаёлисиз,
Жонсиз дилим бу оқшом асло қайта тирилмас,
Тунни муаттар қилган сочларинг шамолисиз.



Кўнгил водийсига кўнглим ишондим,
Ишққа дил бердим, ишқ ила ёндим.
Қанча йил ғафлатда ўтибди умрим,
Битта қарашингдан қайта уйғондим...




Мусаввир Акмал Нурга

Ошиқ дил бунчалар обод гўшадир,
Ким бундоғ кўнгилга нур шод қўшадир,
Кўнгил мусаввирин ердан излама,
Асли фалакдаги Беҳзод ўшадир!

Адашган дил учун сўзинг нур — оятдур, ҳидоятдур,
Арзи дилим шикоятмас ошиқлигдин ҳикоятдур,
Бу кун мушпоқ кўнгил уйин эшиқларин сенга очдим,
Сендин келган ишқ каломи ривоятмас, риоятдур.



Ҳақ васфини кўрмадилар Мансури Ҳаллож кўнглида,
Ҳақ қасрини кўрмадилар Мансури Ҳаллож кўнглида,
Кўнгил сўраб кирмадилар кўнгилсизлар ул чаманга,
Ҳақ аслини кўрмадилар Мансури Ҳаллож кўнглида.



Дилга ҳақдин ўзга ҳамдам топилмас,
Зўрайса ишқ дарди, малҳам топилмас,
Тонги сабзаларни ғамнок деманг ҳеч,
Киприкдаги дурдек шабнам топилмас.



Кўнглимга сен баҳор, гул-райҳон бердинг,
Бу йўқсил юракка зўр эҳсон бердинг,
Минг йиллик уйқудан уйғонгандекман,
Вужудим қасрига гўё жон бердинг.

Одамзодга улур имкон бўлди сўз,
Дарвешлар дилида иймон бўлди сўз,
Ҳақ ўзи покламиш, зиёсин асра,
Пайғамбар тилида Қуръон бўлди сўз.



Бу элда шоирга забон Машрабдан,
Юракни ўртаган фигон Машрабдан,
Англамассан ошиқ дилин, эй рофил,
Меросдир не бўлса, ниҳон Машрабдан.



Кўнглимни ол, бир кўза у — иймон сувин тўлдиргил,
Жисмим ичра нафс аждарин жиловлагил, ўлдиргил,
Муҳабатим чечакларин меҳринг билан сувору
Қалбимдаги риё гулин сеҳринг билан сўлдиргил.



Ишқ менинг давлату хаёлим дедим,
Ошиққа ҳижрон не, саволим дедим,
Гар сендан йўқ карам, нени истарам?!
Саволим жавоби — заволим дедим.

Дема, ишқ равзасин бу бир ривоят,
Ишқки, бу назари ҳақдин иноят,
«Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун»,
Аввал — ҳикояту охир — ҳидоят.



Адашган, гуноҳкор беморинг ўзим,
Соғиниб талпинган хуморинг ўзим,
Қанча қаҳр қилма, сендин кечмасман,
Харидорсиз қолсам-да, харидоринг ўзим.



Ё Раб, ўзинг асра юзи қаролиғдин мени,
Ағёр ила улфату ошнолиғдин мени,
Юз минг бош урсам-да қайтарма асло,
Ўзинга ошиқлиқ, мубталолиғдин мени.



Ё Раб, майли, мени васлинг ғамига маҳрам қилғил,
Ишқимни зимистон вужудим уйига шам қилғил,
Умид олами ичра ноумид қилмайин бу қулинг,
Висолинг хаёлин бир умр қалбимда мужассам қилғил.

Ошиқлик — ишқ ичра унвоним менинг
Жон ичра жонга жон жононим ўзинг,
Менинг зулмат қучган осмоним узра
Ойдан-да гўзалроқ Чўлпоним ўзинг.



Дунёни мунаввар айлади ул дил,
Меҳри-ю ҳимматин асло чеки йўқ.
Ҳақ деган дилларга фидо этди жон,
Қуёшдек кўнглида асло кеки йўқ.



Ўтга солсам ўтин бўлмай, шунча кўпдир гуноҳларим,
Кўнглим, кўзим, куфр сўзим — барримдаги гувоҳларим,
Чечакларда қулиб турган кўзларинга қаролмасман,
Сендан қайга олиб қочай нигоҳларим, нигоҳларим?!
?



Ошиқ дилга муаттар ҳаволар ишқдан келур,
Ҳам бошига ғаврою, балолар ишқдан келур,
Мажруҳ дилга табибдин малҳам излама, эй дўст,
Давосиз бу дардга ҳам даволар ишқдан келур.


Эй дил, ўздан кетма, ўзни ул ёр учун гулом қил,
Васфин куйламоқ учун лабларим хушкалом қил,
Асл ошиқлар учун висол сон-ла ўлчанмас,
Субҳдин то тун қадар дийдор дегил, салом қил!



Бир боқдингу эй гулруҳ, жонни ёндириб кетдинг,
Жон не эканки, вужуд-қонни ёндириб кетдинг,
Тун бўйи юммай кўзим, кел эй, дедим, гулюзим,
Кул бўлди-ку юлдузим, тонгни ёндириб кетдинг.



Умр йўлларида меҳр изладим,
Лек қаҳри қаттиқлар бўлдилар зоҳир.
Қанча юракларга унсиз бўзладим,
Мен уни ўзингдан тополдим охир.



Ким деса, бу дилни парвона денглар,
Ой қиё боқмаган остона денглар,
Қайс каби Мажнунми, сўрсалар магар,
Қайсдан-да минг бора девона денглар.

Мажнуннинг ишқини демангиз азоб,
Интихосин деманг бу дилни сароб,
Бу шундай йўлдирки, англолмас гофил
Дардсизлик гуноҳу дардмандлик савоб.



Ишқ бир дунёдир, гоҳи дил яро
Бир масрур кимса йўқ ошиқлар аро.
Гар шундай бўлса-да, остонасига
Юрагимни қўйиб бўлгум фуқаро.



Бу ёлгон дунёдан ростни ахтариб
Хайёмдек маст бўлиб ичолсак эди.
У фалақ аршидан соқий май қўйса,
Кўнгилни қадаҳдек тутолсак эди...



Дунёда ишқни мен, гулимдан топдим,
Ҳикматни, ибратни илмдан топдим,
Қанча бекатларда тўхтамай охир
Ҳақ нурын дил деган йўлимдан топдим.

Чорласам келмасанг, дилим ўртанар,
Ойларни бўзлатиб йилим ўртанар,
Сендан икки олам кечолмай ўтгум
Исмингни шивирлаб тилим ўртанар.



Ё Раб, ўзинг бу дилим ишқ ичра самандар қил,
Ҳижрон гулин ифорин ўзинг мушку анбар қил,
Васлинг сўрдим ҳаётим субҳини қаро қилдинг,
Бемурод кетмай, урим шомини мунаввар қил...



Ўтган ҳар йилим бу урим парчаси,
Ҳижронда кечди-ку, унинг қанчаси.
Сен бир бор фалақдан кулиб қарасанг,
Кўнглимда очилур жаннат дарчаси.



Ғамдин ёмғирларга тўлди дил — абрим,
Чақмоқлар — сўнаётган энг сўнгги сабрим.
Сени излаб бўлиндим минг бир бўлакка,
Ҳар томчи тушган ер — у менинг қабрим.


Юз ўғирма ишқдин дил, билсанг, удир пиримиз,
У бир қуёш биз-чи биз, унинг заррин нуримиз,
Майли замон бизларни Мажнун десин, ё Юсуф,
Энди унинг ҳукмида мангуга тақдиримиз.



Кўнглимни куйдирмоқ бўлди одатим,
Сени ҳар дам ёд этмоқчи тоатим.
Субҳдин то оқшомгача ҳар лаҳзам,
Соғинч бўлди ҳар дақиқам, соатим.



Эй дил, энди вужудимнинг соҳири сен,
Сўз айтсам, сўзимнинг зоҳири сен,
Қанча сарсон бўлиб ўзингга қайтдим,
Англадим, ишқ йўлини охири сен.



Кумуш гуллар ўсмиш бошларимизда
Улуғ тоғлар ўсмиш бардошларимизда,
Қанча истифору тавбалар мавжуд
Маржондек тўкилган ёшларимизда.

Мажнун дилга ошиқлик мақомин бергил,
Берсангда Ҳалложнинг каломин бергил,
Ишқ қиссам бу олам ичра сўнса-да,
У олам ичра сен давомин бергил.






БАҲОРЛАР ИФОРИ
ДИЛИМДАН КЕЛАР



Сотинлар садоси илтимдан келар,
Муҳаббат нафаси тилимдан келар,
Яшнлар бунта кўниб вужудим,
Баҳорлар ифори дилимдан келар.




Офтоб эрсам у учун тушар эдим тахтимдан,
Шамол эрсам у учун тушар эдим шахдимдан,
Пойида гар ит каби умидвор ётар бўлсам,
Сен нени ҳам англардинг, эй ғофил, бу бахтимдан!



Шукр, севги деган бир пайғом бердинг,
Ором дема, асли беором бердинг.
Ҳали ҳам мастлигим тарқагани йўқ,
Ичса ҳеч камаймас соҳир жом бердинг.




Юракда сайраган қалдирғочларим,
Яхшиям сиз борсиз, яхшиям сиз бор.
Гарчи сочларимга қорлар инса-да
Қалбим боғларида шивирлар баҳор.




Бунда ялпизларнинг ифори бир шеър,
Бунда шаббодалар дутори бир шеър,
Висолли тунлар-чи, разалу дoston...
Бунда ошиқларнинг наҳори бир шеър.

Туннинг сочларига сачраган юлдуз,
Тизилмиш ул соғинч йўлакларига,
Ажаб, ҳар бирида ойнинг сурати,
Ўхшайди қалбимнинг бўлакларига.



Ишққа мисол этсам сени, мисолдан-да ўзинг ширин,
Оқшом хаёл қилсам сени, хаёлдан-да ўзинг ширин,
Бу дунёда бундан тотли, билмам, қандай неъмат бордир?!
Қулоғимга шивирлаган ялпиз бўйли сўзинг ширин.



Кулгунгдан таралган наволар ўша,
Бўғзимга тиқилган ҳаволар ўша,
Яна дил дарчамни чертиб келдингми,
Сочингдан таралган саболар ўша...



Кўнглим, яна мендан кўнглинг қолдимми,
Соғинчим бағринга титроқ солдимми,
Кетган қалдирғочин топмай хисларим,
Яна ҳузуринга йиғлаб бордимми?!
-

Ё Раб, давосиз ишқ бозоридан тўйдим,
Анинг менга қилган озоридан тўйдим,
Азобидан энди қутулай деган чоғ,
Яна бошлангувчи такроридан тўйдим.



Севги нима — дилга тушган бир қатим нур,
Кўзларингда сочин тараб турган бир ҳур,
Қандай бино бўлди, буни англолмассан,
Дил чиганоқ унда қандай пайдодир дур?!



Ул Қайснинг жунунида қутлуғ ишқ бўлди зоҳир,
Зухром, дея кўксини тиг узра тутди Тоҳир.
Ошиқларнинг бағридан тўкилган қизил қонлар,
Ошиқлар юрагидек қизғалдоқ бўлди охир.



Эй сабо, сен кетмагил бир дам ёнимдин менинг,
Кетсанг еткур гулимга мужда жонимдин менинг,
Субҳидам қулоқ оссин қалдирғочлар куйига,
Улар асли учган қуш кўнгил айвонимдин менинг.

Боқсам тўйиб юзинга, нурли қуёш кўринди,
Кўнглим очсам, кўнглинг йўқ юрагинг тош кўринди.
Англолмадим бир ҳолни, нечун кетаман десам,
Киприкларинг яширган кўзингда ёш кўринди.



Шаббодалар, сойлар айтсин дилимдаги зорларим,
Юрагимга боқсанг агар, софинчдан гулзорларим.
Кўзларимдан тўкилган нур кўзларинга қуйилур,
Улар менинг фифонларим, кечиккан изҳорларим.



Эркалик не, ошиқ дилга девоналик,
Эркалик не, маъшуқ дилга ягоналик.
Истагим шул, бу эркалик тугамасин,
Бошланмасин диллар аро бегоналик.



Тордан эсган шаббода ифорлари ўзгача,
Ошиқ дилнинг дунёда баҳорлари ўзгача,
Совуқ симли бу чолғу қайси бедард дилники?!
Ошиқ аҳлин қўшиғи, дуторлари ўзгача...

Севгидан девоџа бұлсам, соғми деб сўрманг савол,
Ишқ ичра бу девоџалиқ сизга келмайду р малол.
Севгисиз эрса дилингиз, не дегум, жонсиз у жон
Жонни жон-ла уйғотур жонингдаги соҳибжамол



Ошиқ агар оҳ тортар, ул нола вола бұлғай,
Хаттот агар битмишду р, нола рисола бұлғай,
Ишқ шаробин ичгали қадаҳ излама, эй дил,
Дилбар лабидаги ул лола, пиёла бұлғай.



Ёноқдаги қаро холинг, мәрдум бұлди кўзимга,
Қаро қошинг ўсмалари сиёҳ бұлди сўзимга,
Энди жоним, мудом мен-ла қароғимда яшарсан,
Охир келдинг, ўздан кетиб, ўздин кечиб, ўзимга.



Эски дардлар бир кун тарк этар дилни,
Унутилар ҳатто озор, хиёнат.
Унутиб кетсанг гар, илк муҳаббатинг,
Ёшликка, севгига қилдинг хиёнат!



Кипригингнинг остидаги ул дунёдан жой сўрдим,
Айт, қародил навкарларинг нигоҳимни тўсмасин.
Сиёҳ-сиёҳ сочларингнинг остида бир ой кўрдим,
Қон ёшларим ювиб кетмиш қошларингнинг ўсмасин.



Сенинг кўз ёшинга қилолмам тоқат,
Ашқларинг йўл бермас нигоҳларинга.
Бир кулиб қарашинг ўзи садоқат,
Ишқ муҳрин босайин дудоқларинга.



Кўнгил тобутида сўнган хисларим,
Тоабад нурларга ётар чулғониб.
Бир кун сен ёнидан шивирлаб ўтсанг,
Соҳир нафасингдан кетар уйғониб.



Беғубор хаёллар — ифорли ялпиз
Кўнглимни эзади бағр тошларим.
Ялпизли кунларга қайтолмам, эссиз,
Ялпизлар баргида қолди ёшларим.

Ошиқ аҳлин вужудининг айвонида ишқ,
Ҳар ноласи, сўзон сўзи, девонида ишқ.
Мағрур дилдан сен муҳаббат қасрин излама,
Билсанг, куйган ошиқларнинг вайронида ишқ.



Гарчи парвонадек куйсам-да севдим,
Бироқ у қуёшга етмади шахдим.
Иқболим кўклардан излаб юрибман,
Ёнимда турганин сезмабман бахтим.



Ишқ йўлида Мажнун бўлиб ўтганлар бор,
Бол ўрнига ҳажр заҳрин тотганлар бор.
Қор остидан гул изласам нима бўпти,
Аёзда ҳам баҳорини кутганлар бор.



Ошиқ юракларга ишқ оғуси ҳам
Роҳат бағишларкан ажаб бол бўлиб.
Кечалар кўзингдан олгач уйқуни,
Юрагинг тингларсан тунлар лол бўлиб.

Сўзласам дўсту ёр, марддан сўзладим,
Авёрлар макридан-гарддан сўзладим,
Севгини ўйин деб билган зотларга,
Ишқ деган чинакам дарддан сўзладим.



Кўзим кўзинга тушди, дил гўё хитоб қилди
Гулни кўрган булбулдай лабларим шитоб қилди,
Битганларим, арэларим, ўтинч муножотимдир,
Қалб ношири уларни сен учун китоб қилди.



Эй дил, бу ишқ саҳнида ёлғиз ўзинг устозим,
Куйган кўнгиллар бари ҳам имдодим, ҳамрозим,
Баррингни гулга кўмган баҳорларим ўтдимиз?
Бунча бағрим ёқмаса жазирама бу ёзим.



Бир умр сенсиз дил доғланиб ўтар,
Соғинч деган ҳисга боғланиб ўтар,
Қайтмасинг билса-да, ҳар кўклам-баҳор
Сени кутмоқ учун чоғланиб ўтар.

Мени адо қилди лола яноқлар
Лабим сийпалади ул гул япроқлар,
Сенинг сочларингни тўзғитган шамол,
Асли юрагимдан чиққан титроқлар.



Бошимга кийдирдинг, ё Раб, ишқ тожин,
Қалб билан тўладим унинг хирожин,
Хижрон гулханида ёнганим ёнган,
Бу тожни киймасдим, топсам иложин.



Мажнун сизни суйган экан, кийиклар,
Кийик эмас сиз ҳам бағри куюклар.
Бу дунёни нурга кўмиб яшаркан
Англаганим, суйганлару суйиклар.



Ташқарида зим-зиё тун хислар кўнглим нихлайди,
Шамолни от қилган соғинч уни тинмай «чух»лайди,
Мени ташлаб кўнглимдаги ўкинчу армонларим
Уйин топган қалдирғочдек ёр кўзида ухлайди.

Юрагим ҳеч кўнмаганди шунчасига
Чучмомадан тугма қадаб нимчасига,
Баҳор бизни бунчалар кўп қийнамаса,
Асир этиб битта дилбар ғунчасига!



Эй дил, баҳор сеҳрин биз ҳам туйганмиз,
Битта қизғалдоқни ёниб суйганмиз,
Бошқасини энди айтиш шарт эмас,
Бирда куйдирганмиз, бирда куйганмиз.



Бағримни пора қилди сочларингнинг толаси,
Сўзламоққа журъат йўқ, дилимда истиҳола.
Лабларинга битилган оятни ўқисайдим,
Кипригим-ла битардим ишқ деган бир рисола.






ДИЛИМ КУЁШИДАН
ЁРИШСИН ЮЗИМ



Қанчалар кўп бўлса гаф эшуткка рағбатим,
Шунга ортди нўғимда машаққату Заҳматим.
Ё Раб, бедор қалбимга сайқал берган ўзинсан,
Яхшиларни дўст айлаб сўндирма муҳаббатим.



Тилу забонимга сеҳру қудрат бер,
Дилимга шеър отлиқ мунис талъат бер,
Юлдузлар сафида этма ҳижолат,
Юлдуздай нур беру, соҳир журъат бер!



Қизларим, Худойим бахтиёр этсин,
Сизга толе тилаб ўтар ҳар оним,
Менинг дунёдаги тўртта фариштам,
Ибодан яралган тўртта девоним.



Қоши қаро, кўзлари кўзмунчоғим Ўғилой,
Борлиғимни ёритган, нур чароғим Ўғилой,
Ўғилой, деб исмингни умидларга ўрадим
Уканг ўғил бўлсин, деб Худойимдан сўрадим.



Ноумид қилмадинг, ўзинга шукр,
Ўтинчим - ўғлимнинг камолин кўрай!
Кун келиб қалбига кўз ташлаган чоғ,
Унда сенинг соҳир жамолинг кўрай!

Инсонни меҳр-ла яратмиш Худо,
Қаҳр мевасидан тотма, ундан кеч.
Ҳатто чумолидан, митти қушчадан
Меҳру муҳаббатинг дариф тутма ҳеч!



Истагим, ҳар сўзим бир малҳам бўлсин,
Ялпизлар баргида дур-шабнам бўлсин,
Ғамдан эзилганга, бахтдан кулганга
Шодлигу қайғуда дўст-ҳамдам бўлсин.



Умр-ку, иборат кўҳна ҳикматдан,
Гоҳи панд еган чоғ хоин улфатдан.
Ўқинма, эй кўнгил, чидармиз бунга,
Худойим асрасин қуруқ туҳматдан.



Дилим қуёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум, ҳам бўзим.
Рухимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.

Райҳон, райҳон, ифоринг
Бунча ширин — тўймайман.
Сен кўнглимда унмасанг,
Мен барибир кўймайман.



Устоз Абдулла Ориповга

Сиз қурган шеърият қасри мухташам,
Сўздан ҳеч ким сиздай дур ясолмағай.
Ўринбосар дейсиз бизни, бирор зот
Сизнинг ўрнингизни, йўқ, босолмағай.



Ўйларимни эй фалак, сен ўзинг Фирот айла,
Шеър деб чеккан заҳматим кўнглимга бол, тот айла,
Устозларим меҳрини Алишер деб ата-ю
Улар дилин мен каби шогирдга Ҳирот айла.



Ўзинг айладинг-ку, жисмимни бунёд,
Гоҳо чидолмайин дод дейман мен, дод.
Бу ҳаёт даштида битта сайдингман,
Бунчалар кўп эрур, бир жонга сайёд?!
!

Қанчалар кўп бўлса гар эзгуликка рағбатим,
Шунча ортди йўлимда, машаққату заҳматим.
Ё Раб, бедор қалбимга сайқал берган ўзингсан,
Яхшиларни дўст айлаб сўндирма муҳаббатим.



Ниҳол эксанг, бир куни у, албатта, боғ бўлар,
Фозил фарзанд ўстирсанг, ғариб кўнглинг тоғ бўлар.
Бир четга қўй аразни, сен оқиллар йўлин тут,
Ўзга дилин чорласанг, ўз дилинг ҳам чоғ бўлар.



Рустам Қосимжоновга

Эл-юртин дегайдир Хотам бўлса ким,
Чин ҳаким, дардкашга малҳам бўлса ким,
Исм, бу шунчаки ялтироқ сўзмас,
Дунёни лол этсин, Рустам бўлса ким!



Ё Раб, ўзинг мадад бер бу қулингга,
Дилимда ёнган нур-зиё сўнмасин.
Қалбим ғулом қилиб бердим ўзинга
Ундан ўзгасига асло кўнмасин.

Ғамдан яралмаган бу дунё ахир,
Қишнинг қорида ҳам сеҳр бор, сеҳр.
Эй дилим, умидсиз бўлма баҳордан,
Тангридан кўрарлар пок диллар меҳр.



Ҳақ сўздан гул унар, райҳонлар унар,
Ишқдан-чи, бир ширин ҳижронлар унар.
Гул экил, чечак эк дунё саҳнига,
Ёлғондан иблису шайтонлар унар.



Севсангда-севилсанг, шўдир катта бахт,
Дилингда поёндоз тўшар бунда аҳд.
Муҳаббат саройин кўшки сеники
Ҳатто хонларда ҳам йўқ бундайин тахт.



Тоза пиёлада чой ҳам тотлидир,
Ёдда тут сен эзгу дил ноласини.
Қаҳромас, меҳрога тўлдириб яша,
Пок тут мудом қалбинг пиёласини.

Кетаётган турналар, хуш боринг видо сизга,
Ҳеч ҳам соя солмасин айрилиқ, жудо сизга,
Кўкламда юз кўришмоқ насибин сўраб қолгум,
Қайда бўлманг ёр бўлсин, меҳрибон Худо сизга.



Йигитлик мавсуми даврон фанимат,
Севгида ул ширин ҳижрон фанимат,
Кўнгилни ифорга тўлдириб яшанг,
Юракда уфурган райҳон фанимат.



Устоз Эркин Маликка

Бегубор осмон ҳам кўнгилдек кенгдир,
Унинг ҳам бағрида қуёш, оyi бор.
Менинг қалбимда ҳам нурли дилларнинг
Мусаффо самодек қутлуғ жойи бор.




Тонг чоғи бедор бўл, рафлат-ла олиш,
Билсанг, фойдасиздир кейинги нолиш,
Осонликча сени қўйиб юбормас,
Шайтоннинг кўксига ўхшайди болиш.

Меҳрни дарёга айларлар қиёс,
Қуриб бормаяптими бу нодир дарё?
Тоққа ёққан қорлар уни асролмас,
Меҳр ёмғирларин тилагин дунё.



Эй дил, сен-ла гўзал боғда биргамиз,
Виқор деган улф тоғда биргамиз,
Ғариблик кўйида кечади дема,
Бахтимиз кулмаган чоғда биргамиз.








УМИД, КЕЛ, ДУСТ КАБИ
ҚАЛИМДАН ТУТҚИМ



Уқинсам айбимдан ўқинаман, дўст,
Чекинсам дилимга чекинаман, дўст,
Юрагим амрға қуроқ осмасам,
Айт, қотиб қайғуға бекинаман, дўст?!



Хижрон қори бир кун эриши аён,
Муҳаббат еллари елиши аён,
Қалбингда бир чечак ўстиролсанг дўст,
Кетган баҳорларнинг келиши аён.



Юрган йўлларимда гул экдим фақат,
Саодат йўлига сарф этдим тоқат.
Дарё йўлида ҳам тўғонлар бордир
Юрагим, бунчалар бўлма бетоқат.



Қўш кабутар, бахт тилайди, бахтиёр эт,
Нодирайи даврон билан Шаҳриёр эт.
Ихтиёрин сенга бермиш бу ошиқлар,
Сен ҳам улар тилагини ихтиёр эт.



Осмон қизи кўкдан ташлади бирдан,
Олтин занжирли ул кўприкларини.
Шунча яқин келди тафтини сездим,
Юзимга урилган киприкларини.

Бойликни қўй дўстим, дилингдан гапир,
Дилингда неки бор, тилингдан гапир,
Бирор вайрон дилни обод қилдингми,
Ёлғиз Ҳақ билгувчи сиригдан гапир.



Дилим андуҳларга тўлдинг, биламан,
Бир маккор зарбидан сўлдинг, биламан.
Энди тирилмоқ-чун айлагил шитоб
Мен билан неча бор ўлдинг, биламан.



Ғайирлик ва ҳасад — шайтон тухфаси,
Иблиснинг улфати ҳар мунофиқ зот.
Макрдан иборат унинг суҳбати,
Кибрдан яралган, у учар қанот.



Ажаб, гоҳ агёрлар жабридан тўйиб
Десам, даврон менга нечун панд бердинг?
Бошим силаб дардим бир четга қўйиб,
Меҳрибон онамдай келиб қанд бердинг.

Анҳор буйларида ўтди ёшлигим,
Илк бора сир айтдим кечаларинга.
Энг гўзал чорларим гул каби сочдим,
Дилимга туташган кўчаларинга.



«Ёшлик» шаҳарчасидан ёшлигимни изладим,
Бир чинорин сенласам, бир чинорин сизладим.
Кўчалардан сўроғлаб, топмай ўн саккизимни,
Элик ёшим кўксига бош қўйганча йиғладим.



Эй дўст, шошма, хали эрта, билсанг видога,
Умид билан қўлларингни очгил дуога,
Ҳаёт гўзал, дўстлар сари талпиниб яша,
Қолганини қўйиб бергил ёлғиз худога.



Дўстман дейсан, эй нодон, сенда дўст юраги йўқ,
Сенинг қаро дилингни эзгу бир тилаги йўқ.
Қўй, дўстман деб дўстликни сен бунчалар паст этма,
Дўстим сендай бўлса гар, душманнинг кераги йўқ.

Навоийнинг баҳридан сув ичасан, ташнасан,
Бобурмирзо назмидан қанду ҳалво тотасан.
Улуғ чинор қаршида майсача қадринг борми,
Ким бўлибсан, эй нодон, қуёшга тош отасан?!



Ағёрларнинг макридан не қилай, дилхун дилим,
Офтобли бу оламда юлдузlidir тун дилим.
Қудрат қалами бирлан тақдирим таҳрир бўлди,
Қисмат номасидаги нуқтадан мамнун дилим.



Кетди, қалдирғочли баҳорлар кетди,
Дилдан энг муаттар оҳорлар кетди,
Энди кечалардан зиё излайман,
Ажабким, қуёшли наҳорлар кетди.



Майли эъвозлама, мени, сен, эй дўст,
Бахт-ла бахтсизликни қувгил, енг, эй дўст,
Дунёга сирмасанг, айб этма уни,
Бу дунё торга — тор, кенга — кенг, эй дўст!

Ҳаргиз ўқитмагил нотавон касни,
У на табиб бўлгай, даво чиқмагай,
Бедарддан ошиқлик мақомин сўрма,
Созланмаган тордан наво чиқмагай.



Юрагимни чимчилаб ўтган,
Қор бўронлар беиз кетмабди.
Баҳорларим йўлин тўсган қор,
Бошимни ҳам четлаб ўтмабди.



Қор бунчалар гўзал, беғубор
Осмон сўзин ўқир ўйчан ер.
Юрагинга ёғду солади
Оқ вароққа ёзилган бу шеър!



Навойга гулоб, дея оғу тутган,
Ҳамон бордир залолатнинг кабиралари.
Неча юз йил ўтса ҳамки, феъли ўша
Ўзгармаскан Мажиддиннинг набиралари.

Қанча диллар ўтди, қанча фозиллар,
Сўргил, оқибатдан топдими хайр.
Сен ким бўлибсанки оқибат топсанг,
Ўксимай дунёни айлайвер сайр.



Эй дил, қачонгача мени қийнайсан,
Зар чопон тутсалар, йўқ деб киймайсан,
Сени деб мен дакки еганим еган:
«Эй ношуд, яшашни ҳамон билмайсан!»



Мушкул чоғда ҳам чекиб гулимдан юпанч топдим,
Шукрини ҳеч қўймаган тилимдан юпанч топдим,
Қанча йиллар ҳолидан хабар ололмаганим —
Бир чеккада мунғайган дилимдан юпанч топдим.



Маккор қарға ҳали ҳам ўйнаб юрибди,
Англолмаган қўшиғин куйлаб юрибди.
Яна қандай қилиб фириб берсам деб,
Булбулнинг қадамин пойлаб юрибди.

Соат, бунча чиққиллайсан тунни бузиб,
Хали қалам улгурмади дилни чизиб.
Қўй, тонгача тегмай тургин дардкашимга
Сиёҳлари юрагимдан чиқар сизиб...



Қодирийнинг сўнги сўзи
Дардларимни ёзсам гар, ёниб кетар дафтарим,
Юрагимда ханжардек ботиб ётар аҳдларим.
Оҳ, умрим дарахтига боқсам кўнглим йиғлайди,
Хазон япроқлар мисол сарғаймоқда бахтларим.





Ўксиган чоғларим сени эслайман,
Бирда бағрим яро, бирда юрак қон.
Гоҳ Шошда онамдек меҳринг қумсайман,
Эгачингга айтиб қўйгил, Андижон.




Нолисам, уятдир она Тошкентдан,
Гарчи ўксик дилим ноалари кўп.
Бирда бошим силаб, бирда унутар,
Нетай, унинг мендек болалари кўп.

Умид кел, дўст каби қўлимдан тутгил,
Эзгу ният билан ҳатлай остона.
Токи чин ҳаётга, ростликка кўчсин,
Менинг юрагимда қолган афсона.






КҰНДЫҚ ДАН КҰНДЫҚ А
ИЯ СОЛЫҚ АТҚЫМ



Әй фокус, сени хам тапқырдымми,
Чағраб кетмадыңми, сен хам қаламми?
Шундан то тонгала кездени текки йүк,
Сотнидан яралган күнми оламми.



Эй фонус, сени ҳам толиқтирдимми,
Чарчаб кетмадингми сен ҳам, қаламим?
Тундан то тонгача кезсанг чеки йўқ,
Соғинчдан яралган кўнгил оламим.



Она, кўпдан сизни йўқлаб бормадим,
Қабрингиз безаган, ҳойнахой, гуллар?!
Ўша чечакларга келар ҳавасим,
Мендан оқибатли ўғилдек улар...



Ҳар куни, ҳар лаҳза сизни соғингум,
Хаёлан қабрингиз қилгум зиёрат.
Бир кун эсламасам, гар ғофил қолиб
Фарзандман, дейишга бўлгум ҳижолат.



Борлиқ — оппоқ, ҳаво — беғубор,
Софлик ичра гарқ бўлмиш олам.
Ажаб, нечун шундай покликни,
Ўз кўнглида асролмас одам?!

Уйфонган қуёшни қаршила, эй дўст,
Тонга пешвоз чиққил, шукрин қил адо.
Шу лаҳза дунёда кўз очди кимдир,
Ким кетди, оламга айтганча видо.



Онам, деб қабристонда қизғалдоқни суйдим,
Соғиниб соғинчнинг титроғида куйдим,
Оҳ, мунис бағрига бошимни қуйгандек,
Онамнинг исини қабр тупроғида туйдим.



Гоҳи ёш боладай йиғлаб-сиқтасам,
Айрилиқ тубига етсам, не қилай?!
Овутманг, таскин йўқ дилдаги дардга,
Онамни соғиниб кетсам, не қилай?!



Дунёда бахтга ҳам етаркан инсон,
Қисмат-да, бир куни кетаркан инсон.
Хатто юз ёшда ҳам мурғак гўдакдек,
Онасин соғиниб ўтаркан инсон.

Қабристонда унган майсалар,
Неларнидир шивирлар сокин.
Юзим боссам иси келади,
Райҳон бўйли онамнинг сочин.




Она, қабрингизга бошимни қўйиб,
Йиғласам, қани энди, тўйиб йиғласам.
Не қилай, сиз берган пок юрак билан,
Олчоқ бу дунёда яшай билмасам...




Дўстлар даврасида топмам ҳаловат,
Ҳеч таскин, юпанч йўқ ғариб бу дилга.
Онам деб, отам деб, юзимни босгум,
Уларнинг қабридан чиққан у гулга.



Лайли-ю Зухролар эртак деманг ҳеч,
Улар ҳар тонг келар саболар бўлиб,
Қанча гулгун қизлар қалбида севги —
Юз-кўзида ажиб иболар бўлиб...



Эккан ниҳолларим бор бўлди, эй дўст
Ўксик дил бир лаҳза чоғ бўлди, эй дўст,
Менинг роҳатларим сўрама асло,
Чеккан заҳматларим тоғ бўлди, эй дўст.



Ҳар қандай ҳолатда ҳам дилимда умид зоҳир,
Шона туғиб дардларим кўсак бўлдилар охир,
Қалбим англамоқ бўлсанг, очилган чаноғим кўр,
Ҳосил етиштирмоқда яратган ўзи моҳир.




Дунё шундай, бир булбулга мингта ганим зоғлар бор,
Қирлар тўсиб ётар йўлни, ортда қанча тоғлар бор,
Алаф босган у диллардан нечун юпанч излайсан,
Ахир қанча кўнгилларда жаннат мисол боғлар бор.



Умримиз, лаҳзалар, этажак давом,
Ҳали тилимизда қанча шеър, калом.
Кетган кунларда ҳам иззатимиз бор,
Келаётган кунлар Сизга Ассалом!

Билмадим, ҳаётнинг чанг-ғуборидан,
Дилим асролдимми, пок олиб ўтдим?
Фаришта эмасман, лек таскиним бор:
Кўнгилдан кўнгилга йўл солиб ўтдим.



МУҶДАРИЖА

Эй дил, вужудимнинг соҳири сен... ..	3
Ялпизинг ҳидласам, дил қувват олар.....	7
Ҳайрат чамани.....	17
Ҳикмат гули ҳақ дилнинг гулзорида очилар....	27
Эй кўнгил, сен Ҳудҳуд йўлини пойла.....	35
Баҳорлар ифори дилимдан келар.....	47
Дилим қуёшидан ёришсин юзим.....	59
Умид, кел, дўст каби қўлимдан туттил.....	69
Кўнгилдан кўнгилга йўл солиб ўтдим.....	79

Минҳожиддин Мирзо

**КЎНГЛИМ
КУРТАКЛАРИ**

Тўртликлар

Бадиий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шохисмоил
Расом-дизайнер: Комил Ҷонтоев
Саҳифаловчи: Баҳром Бобоҷонов
Мусахҳих: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008

Босишга рухсат этилди: 23.03.2015

Қўроз бичими 70x90 1/32. Офсет қўрози
AcademyUz гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 4,0
Шартли босма тобоғи 4,0. Адади 1000.
Баҳоси келишилган нарҳда

«Mezon Print» ЖК босмахонасида чоп этилди.

10.04.2015-санадаги 62-сонли буюртма.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кичикбешёроқ кўчаси, 130-уй.